

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2019 йил ноябрь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди Тўрақўрғон тумани Исвахон МФЙ биносида очик сайёр суд мажлисида, суд раиси Х.Хазраткуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Мухаммадаминовнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори М.Ахмаджонов, жабрланувчи Т.Хомидова, фуқаровий даъвогар О.Усмонов, гумонланувчи О.Умаровнинг иштирокида,

Умаров Орифжон Олимжон ўғли 1995 йил 7 январда Янгиқўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, “Равон обод қурилиш” МЧЖда ҳайдовчи, судланмаган, Янгиқўрғон тумани, Ровут маҳалласида яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1607-1901/83-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи О.Умаров 2019 йил 8 апрель куни соат 19:30 ларда ўзининг бошқарувидаги отаси О.Усмоновнинг номида бўлган “Газ-3221” русумли 50E384NA давлат рақам белгили юк автомашинасини ижара шартномаси ва маҳнат битими билан Тўрақўрғон тумани Шарқ маҳалласи худудидан ўтган “Пунгон-Наманган” автомобиль йўлининг 68 км.да бошқариб кетаётиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-бандидаги “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши мажбурийдир”-деб кўрсатилган ва 77-бандидаги “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”-деб кўрсатилган талабларини кўпол равишда бузиб, йўлнинг ўнг томонидан чап томонига кесиб ўтаётган пиёда Хомидова Тожихонни автомашинанинг олд томони билан уриб юбориб, унинг ўртача оғир тан шикасти олишига сабабчи бўлган.

Тўрақўрғон туманлараро СТЭБнинг 11.04.2019 йилдаги №420/347-сонли хулосасида жабрланувчи Т.Хомидовани баданида аниқланган тан жароҳатлари, бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши,

ўнг елка суяги чиқиғи, ўнг оёқ 5 кафт суяги синиши, қнг оёқ кафт соҳаси шилинган жароҳатлари кўринишида бўлиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра ЎРТАЧА ОҒИР тан жароҳати гуруҳига кириши кўрстилган.

Дастлабки терговда гумонланувчи О.Умаров, жабрланувчи Т.Хомидова ҳамда фуқаровий даъвогар О.Усмонов ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Тўрақўрғон туман ИИБ терговчисининг 2019 йил 20 ноябрдаги қарорига кўра, гумонланувчи О.Умаровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи О.Умаров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқдор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Т.Хомидова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, О.Умаровга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар О.Усмонов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, О.Умаровга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Т.Хомидова, фуқаровий даъвогар О.Усмонов ва гумонланувчи О.Умаровнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, туман прокурори М.Ахмаджоновнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи О.Умаровнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ

бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчи, фуқаровий даъвогар хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, О.Умаровга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Т.Хомидова, фуқаровий даъвогар О.Усмоновга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Умаров Орифжон Олимжон ўғлига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан ЖК 66¹-моддасига асосан тугатилсин.

Жабрланувчи Т.Хомидова ва фуқаровий даъвогар О.Усмоновга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка муддат ичида жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Х.Ҳазратқулов